

ТЕРАН ТАФАККУР ТАРОВАТИ

(Матназар Абдулҳаким назмига мухтасар нигоҳ)

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
катта ўқитувчиси Ахмедова Гулноза Атаназаровна*

Аннотация. Мақолада шоир Матназар Абдулҳакимнинг ижоддаги фалсафий-интеллектуал қарашлари миллий шеърятимиз ижтимоий-эстетик мазмунини бойишига, умумбашарий моҳиятнинг чуқурлашишига хизмат қиладиган жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: шеърят, шоир, илмий ва бадий тафаккур, фалсафий-интеллектуал қарашлар, шахсий кузатишлар, санъаткор шоир, эврилиш.

Ҳозирги ўзбек шеърятининг кейинги йигирма беш йилдаги муҳим хусусиятларидан бири фалсафий мушоҳадакорликнинг кучайиши, инсон ва ҳаёт муносабатлари янгича кашфининг кенгайиши бўлди. Бадий тафаккур тақомилидаги бу сифатий эврилишга муносиб ҳисса қўшган шоирлардан бири Матназар Абдулҳакимдир (1948-2010). Шоир, таржимон ва публицист сифатида танилган ижодкор мероси бадий ва илмий тафаккурнинг ўзига хос намуналари эканлиги эътироф этилди. “Жуда ажойиб ижодкор” (Озод Шарафиддинов), “истеъдодли шоир” (Абдулла Орипов), “тиник туйғулар куйчиси” (Ўткир Раҳмат) Матназар Абдулҳаким ижодий меросининг асосини шеърят ташкил этади. Аруз ва бармоқ вазнларида, турфа мавзу ва жанрларда ёзилган асарларда шоирнинг теран нигоҳи, оҳорли ифода тарзи бор. Бу нигоҳ марказида замон ва шахс муаммоси, эзгу фикр, ўзлик талқини туради. Зеро, шоирнинг фалсафий-интеллектуал қарашлари миллий шеърятимиз ижтимоий-эстетик мазмунини бойишига, умумбашарий моҳиятнинг чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

Фалсафий фикрлашга интилиш, ҳар бир асарни бадиий топилма ва “ўз улуши” билан зийнатлаш Матназар Абдулҳакимга хос жиҳатдир. Бу деярли уни барча асарларида муайян даражада акс этади. Хусусан, “Ойдинлик”, “Жавзо ташрифи”, “Кўприк” номли шеърий, “Азизлар анжумани”, “Иккинчи муаллим сабоқлари”, “Мангулик жамоли” деб аталган публицистик ва илмий мақолалар тўпламларида бу ҳол янада қамровли ва рангбарангдир. Шоир таржимонлиги боис Форобий, Паҳлавон Маҳмуд, Бедил, Кубро каби буюк мутафаккирлар донишмандлигидан баҳраманд бўлиш билан бирга, XX аср миллий адабиётимиз ва устозлар тажрибасидан ҳам файз, илҳом олди. Жумладан, Мақсуд Шайхзоданинг умр мазмуни, Асқад Мухторнинг ижод кадри, Эркин Воҳидовнинг шахс маънавияти ҳақидаги фалсафий қарашларига ҳамоҳанг бўлди, Одам ва Олам тўғрисидаги бетакрор фикрлари билан бадиий ижод ва фалсафий тафаккур синтезига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шоир шеъриятида замон ва инсон муаммоларидан баҳс этиш салмоқли ўрин тутди. Бу жиҳатдан муаллиф воқелик ва шахс муносабатини бутун мураккабликда, мусбат ва манфий жиҳатларни яхлитликда кўради, образли ифода ва рамзий тасвир орқали муайян хулосалар чиқаришга эришади. Шоир тасаввурида “дунё одамларни тинмасдан эловчи элак”:

У тинимсиз чайқалиб турар,

Чайқалиши азоб-зулмдир.

Бу элакнинг устида – ҳаёт,

Бу элакнинг ости ўлимдир.

Тўртликдаги ҳар бир сўз ва тушунча фалсафий-мажозий маънони мужассамлаштиришга қаратилган. Элак - бу ҳаракатдаги олам, ҳаёт синови рамзи, унинг чайқалиши эса одамларни яхши-ёмонга ажратувчи жараён. Элакда олам тузилишининг икки қирраси – ер усти (тириклик) ва ер ости (ўлим) назарда тутилган бўлиб, кейинги байтда таъкидланганидек, эланиш пайтида “қор каби унлар” элак устида, “кепаклар” эса остида қолади. Бу ўринда “ун” ва “кепак”

тимсолларида олижаноб ва салбий шахсларнинг турли тақдирлари талқини орқали шоир кўзлаган ижтимоий-эстетик ният – эзгулик ғояси ишонарли ва таъсирчан ифодаланган.

Матназар Абдулҳаким ижодида поэтик фикр ва тиниқ туйғу уйғунлиги устувор. Бу ҳол ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маънавий, ишқий йўналишдаги барча шеърларида маъно салмоғини оширишга, эмоционалликни кучайтиришга имкон беради. Бу жараёнда оригинал поэтик фикр таъсирчан бадиий-тасвирий воситалар билан табиий омухталиқда ўзига хослик касб этади, ўқувчи онги ва ҳиссиётига илиқлик бағишлайди. Зеро, шоир шеърлятида анъанавий ибора ва мавзуларнинг янгича талқини шундан далолатдир. Жумладан, “руҳ”, “осмон”, “умр”, “ишқ”, “тупроқ”, “юррак”, “бахт”, “ҳақиқат”, “нур”, “зулм” каби сўзларнинг ижтимоий-эстетик вазифаси кенгайган сари улар бадиий образга айлана боришади. “Ҳаётнинг сўнгсиз, бетимсол йўлида минг ўлиб, минг тирилиб чопган” шоир фикрича, ҳаёт фалсафаси моҳияти жамиятдаги абадий қарама-қарши қутблар, кишилар руҳияти ва муносабатларидаги зид хислатлар бирлигидан иборат. Муаллиф бу фикрни шунчаки қайд этмай, мажозий услуб ва тасвирда ифодалайди:

Жудолаша олмайди улар,

Бўлиша олмас лекин ҳамнафас.

Бири учун бири тузоқдир,

Бири учун биттаси қафас.

Биринчи байтда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги муросасизликка ишора қилинса, кейинги байтда улар курашидаги воситалар “тузоқ” ва “қафас” мажозий сўзлари орқали бадиийлашади. Шеърда яхшилик ва ёмонлик инсон руҳиятининг жуфт палласига қиёсланар экан, улардан “Бири кўтарилган вақтда, Аста тушиб кетади бири” мисраларидаги мувозанатсизлик ҳолати реал воқелиқдаги турли-туман жараёнлар, инсон характеридаги турфа қирралар хусусидаги умумлашма фикрдир.

Маълумки, инсон талқини адабиёт, жумладан шеърятда асосий ўрин тутди. Матназар Абдулҳаким асарларида бу талқин ниҳоятда кенг ва залворлидир. У инсонни ҳавойи идеал эмас, мураккаб характерли, кучли ва ожиз хилқат сифатида тасвирлайди: юксаклигини эъзозлайди, тубанлигини қоралайди, лекин ундан воз кечмайди, балки поклик ва холисликни шахс камолотининг асосий мезонларидан деб билади ва тасвирда шунга алоҳида урғу беради. Бунда шоир лирик “мен” кечинмаларидан фойдаланиб, мавжуд қарашларга янги фикрлар қўша олади. Қуйидаги тўртлик шундайлардан бири:

Мислсиз айб этдим қошингда,

Бузиб қўйиб юрак аҳдини.

Муяссар қил энди бошимга,

Қаттиқ жазо тортмоқ бахтини.

Одатда, аҳдига вафо қилмаган шахс баҳоналар топиб ўзини оқлашга ёки кечирим сўрашга интилади. Шоир қаҳрамони эса кутилмаган йўл тутди, кечирим ўрнига ўзига муносиб жазо сўрайди. Чунки у аҳдни бузишни “оғир гуноҳ”, уни авф этишни эса “аёвсиз зулм” деб билади. Айбдор учун кечирилмадан кўра зулмдан ҳам қаттиқ жазонинг бахт экани муаллифнинг бадий топилмасидир. Кейинги тўртликда қаҳрамон иқрорининг моҳияти, руҳий кайфияти янада ойдинлашади, ижтимоий маъно бўртиб туради: “тиз чўкишга ғурури йўл қўймаган, кучи етмаган” шахс қалбидаги ўз-ўзини англаш, адолат ва инсонийлик туйғуси қатъий ҳукм оҳангида жаранглайди:

Кечирилмоқ каби даҳшатли

Жазо йўқдир энди мен учун.

Матназар Абдулҳаким нарса ва ҳодисалар замиридаги пинҳона, бошқалар кўрмаган жиҳатларни теран ҳис қилиб, бадий сайқаллаган ҳолда, моҳирона кашф этган санъаткор шоир эди. Унинг бетакрор истеъдоди халқона тафаккур ёғдусидан рағбат ва тароват олиш билан бирга, уни индивидуал афоризмлар, пурҳикмат фикрлар билан бойитди, бадий ифодаларга фалсафий

мушоҳадаларни сингдира олди. Ақлий ва ҳиссий идрокнинг синкретик ҳосиласи бўлган бу қарашлар шоирнинг шахсий кузатишлари ва ҳаёт сабоқларидан туғилган умумлашган ибратли хулосаларидир. Уларда Ватан, инсон қадри, қаноат, ахлоқий поклик, саховат, эзгулик, садоқат каби олижаноб фазилатлар улуғланади: “Суяниб яшаймиз ҳассага эмас, Ўзимиз қутқариб қолган Ватанга”, “Асрлар дастидан нурамас тоғлар, Тоғлар лоқайдликдан емирилади”, “Тенг еганни тенг кўрар Худо”, “Кундуз – туннинг хушёрлигидир, Ғафлатидир кундузнинг окшом”, “Душман бўлмас донога доно, Душман бўлар аҳмоққа аҳмоқ”, “Билки, бахтинг - нозик бир меҳмон - қийин келиб, осон кетади”, “Бўй эгмакни мажнунтолдан, бўй чўзмокни теракдан ўрган”, “Гулнинг ҳиди жинни қилса, тикани ақлингни киритади”, “Ёлғон гап чўнтакда тилло, ҳақиқат юракда кўрғошин” ва бошқалар.

Умуман Матназар Абдулҳаким ижодий меросидаги фараҳбахш ва донишмандликка ошуфта сатрлар тобора янгилашиб, фалсафий тафаккур билан тўйиниб бораётган шеърятимизнинг нурли саҳифаларидан бири сифатида мароқлидир.

Адабиётлар:

1. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар 1 – жилд. “Ғафур Ғулом” нашриёти. 2017 йил.
2. Тафаккур зиёси. Матназар Абдулҳаким публицистикасининг тили ва услуби ҳақида. Тошкент. 2017 йил.
3. Bahrom Ro‘zimuhammad, Sayyora Solayeva. “Jaranglab turadi parvozlarimiz!..” «Sharq yulduzi» jurnali, 2018 yil, 2-son.
4. Гаипова, Х. К. Новый взгляд на эссе Матназара Абдулхакима / Х. К. Гаипова. // Филология и лингвистика в современном обществе : материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Москва, июнь 2016 г.). — Москва: Буки-Веди, 2016. — С. 41-44.